

**ЖИНОЯТЛАРНИ БАРВАҚТ
ОЛДИНИ ОЛИШДА “МАҲАЛЛА
ЕТТИЛИГИ” ВАКИЛЛАРИ БИЛАН
ЎЗАРО ҲАМКОРЛИКНИ
САМАРАЛИ ТАШКИЛ ЭТИШГА
ОИД
УСЛУБИЙ ҚЎЛЛАНМА**

“Жиноятларни барвақт олдини олишда “маҳалла еттилиги” вакиллари билан ўзаро ҳамкорликни самарали ташкил этишга оид” услубий қўлланма. Т. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, “Адолат” миллий ҳуқуқий ахборот маркази. Тошкент. 2026-й. – 22 бет.

Қўлланмани очиқ манбаларга жойлаштиришга рухсат берилади ва ундан фойдаланиш бепул ҳисобланади.

Қонунчилик ҳужжатлари ўзгариши муносабати билан ушбу қўлланма такомиллаштириб борилади, шу сабабли, қўлланманинг янгиланган санасига эътибор қаратиш лозим.

Мазкур услубий қўлланма тавсиявий хусусиятга эга.

© Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, 2026-йил

МУНДАРИЖА

«Маҳалла еттилиги»га оид қонунчилик ҳужжатлари.....	4
Кириш.....	5
«Маҳалла еттилиги»нинг таркибий субъектлари.....	6
«Маҳалла еттилиги»нинг асосий мақсади ва вазифалари.....	7
Асосий тушунчалар.....	8
Маҳаллаларда ижтимоий профилактика тадбирларини амалга ошириш тартиби.....	11
Маълумотлар ва вазифаларни «маҳалла еттилиги» аъзолари ўртасида тақсимлаш.....	12
Ижтимоий мослаштириш дастурларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.....	13
Ижтимоий профилактика тадбирларини амалга ошириш.....	14
Фаолиятни мувофиқлаштириш, мониторинг қилиш ва услубий ёрдам кўрсатиш.....	18
Қиёсий таҳлил.....	20

«МАҲАЛЛА ЕТТИЛИГИ»ГА ОИД ҚОНУНЧИЛИК ҲУЖЖАТЛАРИ

Ўзбекистон Республикасининг “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги 371-сонли Қонуни	
Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-27-сонли Фармони	
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Жамоат тартибини сақлаш, жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги ҳукумат қарорларини тизимлаштириш тўғрисида” ги 754-сонли қарори	
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Маҳаллабай ишлашга масъул бўлган шахслар фаолиятини ва ҳамкорлигини самарали таъминлаш ҳамда «маҳалла еттилиги» фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” ги 137-сонли қарори	

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар доирасида аҳолининг тинч ва осойишта ҳаётини таъминлаш ҳамда жамиятимизда қонунга итоаткорлик ва жамоат хавфсизлиги маданиятини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жумладан, жамоат хавфсизлигини таъминлаш йўналишидаги ишларни «Халқ манфаатларига хизмат қилиш» тамойили асосида ташкил этишнинг мутлақо янги механизм ва тартиблари жорий этилиб, давлат органларининг жамоатчилик тузилмалари билан ўзаро мақсадли ҳамкорлиги йўлга қўйилди.

Шу билан бирга, жаҳонда кучайиб бораётган турли хавф-хатар ва зиддиятлар, эл-юрт тинчлиги ва осойишталигига таҳдидлар, пандемия, табиий ва техноген офатлар масъул давлат тузилмаларига ўз фаолиятини «Барча саъй-ҳаракатлар инсон қадри учун» деган устувор ғоя асосида янада такомиллаштириш вазифасини юкламоқда.

Шиддат билан ўзгариб бораётган бугунги даврда жамият ишларини бошқаришда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда давлат органларининг ҳамкорлигини мустаҳкамлаш, уларнинг фаолиятини янада кучайтириш учун қўшимча шарт-шароитлар яратиш зарурлиги талаб этилмоқда.

«Маҳалла еттилиги»нинг таркибий субъектлари

«Маҳалла еттилиги»:

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг намунавий тузилмасига киритилган

- маҳалла раиси
- ҳоким ёрдамчиси
- ёшлар етакчиси
- хотин-қизлар фаоли
- профилактика инспектори
- ижтимоий ходим
- солиқ инспектори

аъзоларидан иборат бўлган гуруҳ.



Профилактика инспектори

маҳаллада ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, жамоат тартибини сақлаш ва хавфсиз муҳитни таъминлаш, фуқароларнинг қулай атроф-муҳитга бўлган ҳуқуқларини амалга оширишда кўмаклашишга вазифаларга ега.

«Маҳалла еттилиги»нинг асосий мақсади ва вазифалари

 «Маҳалла еттилиги»нинг мақсади *маҳалланинг ички ресурсларини аниқлаш ҳамда ижтимоий хизматлар ва ёрдам кўрсатиш учун сафарбар этишдан* иборат.

Қуйидагилар «Маҳалла еттилиги»нинг асосий вазифалари ҳисобланади:

 Тегишли ҳудудда қонунлар ва бошқа қонунчилик ҳужжатларининг ижроси таъминланишини, оилаларнинг иқтисодий-ижтимоий аҳволи ва эҳтиёжларини ўрганишда фуқаролар йиғини кенгашига кўмаклашиш;

 Жисмоний шахсларни «Темир дафтар», «Ёшлар дафтари» ва «Аёллар дафтари»га киритиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

 Фуқароларнинг оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолишининг олдини олиш ва бундай вазиятга тушганларни оғир вазиятдан чиқариш мақсадида ижтимоий ходим томонидан киритилган хулоса асосида «Саховат ва кўмак» жамғармаси ҳисобидан ёрдам бериш бўйича коллегиал қарор қабул қилиш;

 Давлат органлари ва ташкилотларининг фаолиятига доир масалалар юзасидан фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқишда иштирок этиш, шунингдек, уларни кўриб чиқиш натижалари бўйича давлат органлари ва ташкилотларига тегишли таклифлар киритиш.

Асосий тушунчалар



«E-ijtimoiy profilaktika» ахборот тизими:

ижтимоий профилактика тадбирларини амалга оширишда ижтимоий профилактика тадбирларини амалга оширувчи субъектлар ўртасида ахборот алмашиш имконини берадиган электрон тизим.

Ижтимоий профилактика тадбирлари:

ҳуқуқбузарлик содир этиш ёки ундан жабрланиш эҳтимоли юқори бўлган шахсларга ҳуқуқий, ижтимоий, психологик, тиббий, педагогик ва бошқа турдаги ёрдамлар кўрсатишда амалга ошириладиган тадбирлар мажмуи.



Ижтимоий профилактика тадбирларини амалга оширувчи субъектлар:

маҳалла раиси, ҳоким ёрдамчиси, профилактика инспектори, ёшлар етакчиси, хотин-қизлар фаоли, ижтимоий ходим ва солиқ инспектори.

Ижтимоий профилактика тадбирларини амалга оширишга кўмаклашувчи шахслар:

меҳнат органи ходими, тиббиёт ходими, мактаб директори ва мактаб психологи, инспектор-психолог, шунингдек, ижтимоий профилактика тадбирларини амалга оширувчи субъектларнинг мурожаатига асосан жалб этиладиган туман (шаҳар) даражасидаги тегишли давлат органлари ва ташкилотлари ходимлари.




Ижтимоий профилактика объектлари:

ўзига нисбатан ижтимоий профилактика тадбирлари амалга ошириладиган шахсларнинг ижтимоий муаммолари.

Ижтимоий профилактика тадбирлари амалга ошириладиган шахслар:

ҳуқуқбузарлик содир этиш ёки ундан жабрланиш эҳтимоли юқори бўлган шахслар.



Ижтимоий мослаштириш дастури:

ижтимоий профилактика объектларига нисбатан ижтимоий профилактика тадбирларини амалга оширувчи субъектлар томонидан ижтимоий профилактика жараёнида амалга ошириладиган тадбирлар.



**Профилактика инспектори томонидан
ижтимоий профилактика объектлари
қўйидагилар асосида аниқланади:**



Маҳаллаларда ижтимоий профилактика тадбирлари



Ҳоким ёрдамчисига:

-банд бўлмаган ёки доимий даромад манбаига эга бўлмаган ишсиз шахслар.

Инспектор томонидан хулоса тайёрлаш



Хулосани ижтимоий-профилактика тадбирларини амалга оширувчи тегишли субъектларга юбориш:

Хотин-қизлар фаолига:

- ажрим ёқасига келиб қолган ва низоли оилалар;
- ёрдамга муҳтож бўлган ва оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолган хотин-қизлар;
- мунтазам тазйиқ ва зўравонликка учраб келаётган хотин-қизлар;
- жазони ижро этиш муассасаларидан қайтган ва профилактик ҳисобда турган хотин-қизлар

Солиқ инспекторига

-тадбиркорлик фаолиятини бошламоқчи бўлган шахслар.

Профилактика инспекторига:

- спиртли ичимликлар, гиёҳвандлик воситалари, психотроп ёки инсон ақл-иродасига таъсир этувчи бошқа моддаларга қарам бўлиб қолган шахслар;
- қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларга ружу қўйган шахслар;
- ғайриижтимоий хулқ-атворли шахслар;
- жазони ижро этиш муассасаларидан қайтган ва профилактик ҳисобда турган шахслар;

Ёшлар етакчисига:

- ишсиз ёшлар ва мактаб битирувчилари;
- давлат кўмагига муҳтож "оғир" тоифадаги ёшлар;
- ҳуқуқбузарлик содир этишга мойиллиги бўлган ёшлар;
- спиртли ичимликлар, гиёҳвандлик воситалари, психотроп ёки инсон ақл-иродасига таъсир этувчи бошқа моддаларга қарам бўлиб қолган ёшлар;

Ижтимоий ходимга:

- оғир аҳволга тушиб қолган ва оғир аҳволга тушиб қолиш хавфи юқори бўлган шахслар;
- парваришга муҳтож ёлғиз кексалар;
- ногиронлиги бўлган ва оғир касалликка чалинган шахслар.

Ижтимоий мослаштириш дастурларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш



Профилактика инспектори ахборот тизими орқали юборган ижтимоий профилактика объектлари тўғрисидаги маълумотларни ижтимоий профилактика тадбирларини амалга оширувчи субъектлар уч иш куни ичида ўрганиб чиқади.

3 кун

Ижтимоий профилактика тадбирларини амалга оширувчи субъектлар ижтимоий профилактика тадбирларини амалга оширади ёки амалга оширишни рад этиш тўғрисида хулоса тайёрлайди.



Ижтимоий профилактика тадбирларини амалга ошириш тўғрисида қарор қабул

қилинган тақдирда, ижтимоий профилактика тадбирларини амалга оширувчи субъектлар уч иш куни ичида ахборот тизими орқали ўзининг ижтимоий мослашув дастурини ишлаб чиқади.

Рад этиш тўғрисида хулоса тайёрланган тақдирда, тақдим этилган ҳужжатлар ва маълумотларда аниқланган камчиликлар кўрсатилиб, уларни бартараф этиш ҳамда такроран юбориш учун ахборот тизими орқали профилактика инспекторига қайтаради.

Ижтимоий профилактика тадбирларини амалга ошириш

Ижтимоий профилактика тадбирларини амалга оширувчи субъектлар ижтимоий мослашув дастури асосида қуйидагиларни амалга оширади:

Ижтимоий профилактика тадбирларини амалга оширувчи субъектлар	Амалга ошириладиган чора-тадбирлар
1.Ҳоким ёрдамчиси	➤ банд бўлмаган ёки доимий даромад манбаига эга бўлмаган ишсиз шахсларни касб-ҳунар ва тадбиркорликка ўқитиш ҳамда уларнинг бандлигини таъминлаш чораларини кўради;
2.Профилактика инспектори	➤ спиртли ичимликлар, гиёҳвандлик воситалари, психотроп ёки инсон ақл-идрокига таъсир этувчи бошқа моддаларга қарам бўлиб қолган шахсларнинг турмуш тарзи, хулқ-атвори ва оилавий шароитини ўрганади, улар билан якка тартибда профилактик суҳбатлар ўтказади, ижтимоий профилактика тадбирларини амалга оширувчи субъектлар билан биргаликда касбий лаёқатидан келиб чиқиб, касб-ҳунар ўрганишга жалб қилиш, соғлом ҳаётга қайтариш, ижтимоий-ҳуқуқий, психологик ва бошқа ёрдамлар кўрсатиш, шунингдек, ушбу салбий одатга ружу қўйиш омилларини бартараф этиш мақсадида тиббий кўрикдан ўтказиш ва комплекс психологик-тиббий реабилитация қилиш чораларини кўради; ➤ қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларга ружу қўйган шахсларнинг турмуш тарзи, хулқ-атвори ва оилавий шароитини ўрганади, улар билан профилактик суҳбатлар ўтказади, мазкур ўйинларнинг салбий оқибатлари ва жавобгарлигини тушунтиради,

	унинг омилларини бартараф этишга кўмаклашади; ➤ ғайриижтимоий хулқ-атворли шахсларнинг турмуш тарзи, хулқ-атвори ва ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларининг сабабларини ўрганади, улар билан якка тартибда профилактик суҳбатлар ўтказади, уларни соғлом ҳаётга қайтариш ҳамда бундай салбий хатти-ҳаракатларни бартараф этиш чораларини кўради; ➤ жазони ижро этиш муассасаларидан қайтган ва профилактик ҳисобда турган шахсларнинг турмуш тарзи, хулқ-атвори, оилавий шароити ва касбий лаёқатини ўрганади, ҳоким ёрдамчиси томонидан уларни касб-ҳунарга ва тадбиркорликка ўқитиш ҳамда бандлигини таъминлаш бўйича зарур чоралар кўрилишида кўмаклашади; ➤ ўрганади, васий ёки ҳомийси бўлмаган вояга етмаганларга васий ва ҳомий бириктириш, ёшлар етакчиси билан биргаликда уларнинг қизиқишидан келиб чиқиб, фан, касб-ҳунар ва спорт тўғрақларига жалб қилади, бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш чораларини кўради;
3.Ёшлар етакчиси	➤ ишсиз ёшлар ва мактаб битирувчиларининг бандлигига кўмаклашади, "Ёшлар дафтари"га киритилган ёшларнинг муаммоларини ўрганади ҳамда уларга кўрсатиладиган ёрдам турларидан самарали фойдаланишни ташкил этади; ➤ давлат ёрдамига муҳтож "оғир" тоифадаги ёшларнинг ҳаётда ўз ўрнини топишига кўмаклашади ҳамда профилактика инспектори билан биргаликда ҳуқуқбузарлик содир этишга мойиллиги бўлган вояга етмаганлар билан тизимли ишлайди, уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш чораларини кўради; ➤ спиртли ичимликлар, гиёҳвандлик воситалари, психотроп ёки инсон ақл-иродасига таъсир этувчи бошқа моддаларга қарам бўлиб қолган ёшларнинг турмуш тарзи, хулқ-атвори ва

	оилавий шароитини ўрганади, улар билан якка тартибда суҳбатлар ўтказади, касбий лаёқатидан келиб чиқиб, касб-ҳунар ўрганишга жалб қилиш, соғлом ҳаётга қайтариш ҳамда ушбу салбий одатга ружу қўйиш омилларини бартараф этишга кўмаклашади; ➤ қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларга ружу қўйган ёшларнинг турмуш тарзи, хулқ-атвори ва оилавий шароитини ўрганади, улар билан якка тартибда суҳбатлар ўтказади, уларни соғлом ҳаётга қайтаришга ҳамда ушбу салбий одатга ружу қўйишнинг омилларини бартараф этишга кўмаклашади;
4.Хотин-қизлар фаоли	➤ ажрим ёқасига келиб қолган ва низоли оилалар билан якка тартибда суҳбатлар ўтказади, низоларнинг сабабларини аниқлайди, уларни бартараф этиш мақсадида маҳалла раиси билан ҳамкорликда "Соғлом оила - соғлом жамият" тамойилларини тушунтиради, оилавий қадриятларни мустаҳкамлаш бўйича чоратадбирларни амалга оширади, уларга ижтимоий-ҳуқуқий, психологик ва моддий ёрдам кўрсатишни ижтимоий ходим билан биргаликда ташкил этади; ➤ ёрдамга муҳтож бўлган ва оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолган хотин-қизлар билан якка тартибда суҳбатлар ўтказиб, турмуш тарзи, хулқ-атвори, оилавий шароити ҳамда касбий лаёқатини ўрганади, уларни тадбиркорлик, касаначилик ва ҳунармандчиликка жалб қилиш, зарур ҳолларда уларга ижтимоий-ҳуқуқий, психологик ва моддий ёрдам кўрсатиш чораларини кўради;мунтазам тазйиқ ва зўравонликка учраб келаётган хотин-қизларнинг хонадонига бориб, турмуш тарзи, хулқ-атвори ва оилавий шароитини ўрганади, аниқланган муаммоларини бартараф этиш чоралари;
5.Ижтимоий ходим	➤ оғир аҳволга тушиб қолган ва оғир аҳволга тушиб қолиш хавфи юқори бўлган шахсларнинг турмуш тарзи ва оилавий шароитини ўрганади, уларнинг эҳтиёжларига қараб, комплекс ёндашув асосида профессионал ижтимоий

	хизмат кўрсатилишини ва ёрдам берилишини ташкил этиш чораларини кўради; ➤ ногиронлиги бўлган ва оғир касалликларга чалинган шахсларни, шунингдек, ўзгалар парваришига муҳтож ёлғиз кексаларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказишни ташкил этади ҳамда уларга ижтимоий хизматлар ва ёрдам кўрсатилишини таъминлайди;
6.Солиқ инспектори	➤ солиқ инспектори тадбиркорлик фаолиятини бошламоқчи бўлган шахсларга солиқ хизматлари кўрсатади.


Фаолиятни мувофиқлаштириш, мониторинг қилиш ва услубий ёрдам кўрсатиш

Профилактика инспекторининг

ижтимоий профилактика объектларини аниқлаш ва уларга доир маълумотларни ижтимоий профилактика тадбирларини амалга оширувчи субъектларга ўз вақтида тақдим этиш, шунингдек, унинг ўзи томонидан амалга ошириладиган ижтимоий мослаштириш дастурида белгиланган тадбирларнинг бажарилиш ҳолати **туман (шаҳар) ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмаси томонидан кунлик**



Маҳалла раиси ижтимоий профилактика тадбирларини амалга оширувчи субъектлар фаолиятига умумий раҳбарлик қилиб, ҳар ҳафта маҳаллада уларнинг ижтимоий профилактика тадбирларини амалга ошириш борасидаги фаолиятини муҳокама қилиб боради.



Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари:



- **ички ишлар органлари** профилактика инспекторларининг жамоат тартибини сақлаш бўйича ёрдамчилари билан биргаликда **«Маҳалла посбони»** жамоатчилик тузилмаси аъзолари фаолияти устидан назоратни амалга оширади;



- тегишли ҳудудда жамоат тартибини таъминлашда, шу жумладан фуқароларнинг келиши ва кетиши ҳисобга олинишини ташкил этишда, вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ҳамда **уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича ишларда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга кўмаклашади.**



Данияда юқори профилактика Кенгаши мавжуд бўлиб, унга 46 та ташкилот, шу жумладан касаба уюшмалари, ёшлар ва маданий уюшмалар ва тадқиқот марказлари вакиллари киради.



Қўшма Штатларда миллий Кенгаш доирасида ташкил етилган профилактика хизмати бутун мамлакат бўйлаб юздан ортиқ давлат ва давлат муассасалари ва фуқароларнинг муниципал тузилмаларини бирлаштирди. "Жиноятчиликнинг олдини олиш" полиция дастурлари мавжуд, уларнинг асосий мазмуни полиция, жамоатчилик ва оммавий ахборот воситаларининг ўзаро таъсири.



Швеция полицияси алкоголь таъсирида ҳибсга олинган транспорт воситаларининг ҳайдовчилари билан ишлашга алоҳида ётибор беради (қайта тайёрлаш дастурлари ва жамоат хизматларидан фойдаланган ҳолда). Жиноятчиликнинг олдини олиш фаолиятини ташкил етишда моддий рағбатлантириш тизими кенг қўлланилади.



Францияда шунга ўхшаш функцияларни мамлакат Бош вазири бошчилигидаги шаҳарлар Миллий Кенгаши бажаради. Бундан ташқари, 700 дан ортиқ шаҳар жиноятларнинг олдини олиш Кенгашлари мавжуд.

Қирғизистонда:

Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари билан ўзаро ҳамкорлиги мувофиқлаштирувчи йиғилиш орқали амалга оширилади.



Мувофиқлаштирувчи йиғилиш - бу ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг (прокуратура, ички ишлар идоралари, божхона хизмати, молиявий хизмат ва бошқалар) йиғилиши.) қонун устуворлигини мустаҳкамлаш, жиноятчиликка қарши кураш самарадорлигини ошириш ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва еркинликларини ҳимоя қилиш бўйича тадбирларни мувофиқлаштириш учун ташкил етилган. Мувофиқлаштириш йиғилиши ўз ишига маҳаллий давлат маъмуриятлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва жамоат ташкилотларини жалб қилиши мумкин.

Қирғизистонда мувофиқлаштирувчи йиғилиш турли даражаларда ташкил етилиши мумкин:

миллий даражаси

Бош вазир чақиради ва бошқаради.

туман даражаси

Туман маъмурияти раҳбари бошқаради.

шаҳар даражаси

**Шаҳар мери бошқаради ва
фавқулодда йиғилиш шаҳар ички
ишлар бошқармаси (ГОВД) бошлиғи
томонидан чақирилади.**